O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 14 май ЧОРШАНБА

№ 37 (12.048)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 май куни Оқсаройда Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюдани қабул қилди.

– Ташрифингизни ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш ва қизиқиш муштарак эканининг яна бир ифодаси сифатида қараймиз, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида узоқ масофа бўлишига қарамай, бизни тарихий ва маънавий яқинлик, ягона дин бирлаштириб туради.

Индонезия Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Президент Ислом Каримов ташриф буюрган дастлабки хорижий давлатлардандир. Ушбу ташриф асносида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилгани ўзаро ҳамкорликка оид, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкон яратмоқда.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жануби-шарқий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерикларидан. Юртимизда индонезиялик сармоядорлар билан биргаликда тузилган "Uzbekistan International" (телекоммуникация соҳасида маркетинг хизмати), "PT Hikman Albros" (меҳмонхона хизмати) каби корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Табиий ресурслар борасида Индонезия ҳам Ўзбекистон сингари катта имкониятлар ва тажрибага эга. Ушбу мамлакатда нефть, табиий газ, кўмир, қалай, мис, никель, олтин қазиб олинади. Шуни инобатга олиб айтиш мумкинки, табиий бойликларни ўзлаштириш соҳасида Ўзбекистон-Индонезия ҳамкорлигининг истиқболи порлоқ.

Индонезия халқи Ўзбекистондаги тарихий обидаларга улкан қизиқиш билан, буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросга катта ҳурмат билан қарайди. Айни пайтда халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва янги мазмун билан бойитишга "Ўзбекистон-Индонезия" дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшмоқда. 1997 йилда Самарқанд ва Банда-Ачех шаҳарлари ўртасида Биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланган. 2001 йилдан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида Индонезиядаги умуммиллий тил – бахаса индонесиа тилини ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Ҳ. Вираюданинг ташрифи асносида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум имзолангани Ўзбекистон ва Индонезия барча соҳаларда ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш тарафдори эканидан далолатдир.

Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Индонезия Ўзбекистон билан ҳамкорлик кенгайтиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

СУРАТЛАРДА: Шоҳиста Қурбонова ҳосил чўғидан мамнун; хусусий пилла корхонаси раҳбари Улуғбек Саиджалолов (чапда) фермер Абдумавлон Қурбонов топшираётган пилла сифатини юқори баҳолади.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Пилла – 2008

БЕКОБОДНИНГ КУМУШ ТОЛАСИ

ҳар йилгидан ҳам мўл ва сифатли бўлганлигини хусусий пилла корхонаси мутахассислари, шунингдек, тажрибали пиллакорларнинг ўзлари ҳам эътироф этмоқдалар

Туман пиллакорлари йилнинг илк ҳосили теримини вилоятда биринчилардан бўлиб бошлаб бердилар. Шуниси қувонарлики, пилла эрта етилганидан ташқари, ҳосилдорлиги ҳам режадагидан анча юқори бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари "Шарофиддин-Шаҳобиддин" хусусий пилла корхонаси мутахассислари дастлабки қабул қилинган кумуш тола сифатини юқори баҳолашмоқда.

– Бунинг асосли сабаби бор, – дейди корхона раҳбари Улуғбек Саиджалолов. – Ипак қурти уруғини четдан олиб келиш билан боғлиқ ҳар йилги анъанадан воз кечдик. Тут барги захираларимизни ва парваришлашга оид ички имкониятларимизни ҳисобга олиб, қурт уруғини ўзимиз тайёрлаб, фермер хўжаликларига ер майдонига қараб тарқатдик. Бундан ташқари 13 та ҳудудий бўлимлар тузиб, ҳар бирига пиллачилик мутахассислиги бўйича ҳосилотларни бириктириб қўйдик. Улар бутун мавсум давомида қуртхоналарни назорат қилиб, боқувчиларга керакли маслаҳатларни бериб бордилар. Хуллас, ишга масъулият ва манфаатдорлик билан ёндошганимиз ўз самарасини кўрсатмоқда.

300 гектар тутзор ва 517 туп якка тут дарахтлари вақтида яхши парвариш қилингани боис 4000 қути қурт уруғини тўйдириб боқишга етадиган сифатли барг берди.

– Биз ҳаммадан кўп, яъни 10 қути уруғ олгандик, – дейди "Холтўра мулла Қурбон ўғли" фермер хўжалиги раҳбари Абдумавлон Қурбонов. – Озуқа етарли, шароит бемалол бўлгани учун боқишда қийналмадик.

Эътиборлиси шундаки, А. Қурбонов қурт уруғини аъзоларга тарқатмади, оила аъзолари билан бир бўлишиб, ўзлари боқишди. Онаси Назира ая, рафиқаси Шоҳиста ишга бош-қош бўлишди.

– Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, иккиланмай айтаманки, ҳар қутисидан режадагидан камида 4-5 килограмм ошириб пилла териб оламиз, – дейди Назира ая.

Бу гапга ишонса бўлади. Бошқа фермерлар эришаётган натижалар буни исботламоқда. Масалан, фермер Музаффар Давлатов ҳар қутидан 63 килограммдан кумуш тола олиб, шартномани анча ортиғи билан бажарди.

Яна бир гап. Туман ҳокимлиги илғор пиллакорлар учун махсус мукофотлар ажратгани ўз натижасини берди. Шартномасини ўз ҳудудида биринчилардан бўлиб бажарганларга рангли телевизор, иккинчи бўлиб бажарганларга гилам совға қилишмоқда. Жумладан, "Уювли" фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Рисбоев билан илғор пиллакор Феруза Эшонқуловага рангли телевизор тақдим этилди. Бугунги кунгача 30 га яқин киши телевизорли ва гиламли бўлди.

ҲАМКОРЛИКДАГИ АНЖУМАН

ТОШКЕНТДА ўтган матбуот анжуманида иштирокчилар 15 май – Оила куни тадбирлари режаси билан таништирилди.

Чунончи, шу куни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши "Inter Tashkent EXPO" ташкилоти билан ҳамкорликда "Она ва бола", "Тўй алюс Уз" мавзуларида кечалар ўтказаяпти. Уларда асосий эътибор оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш, соғлом зурриёдни тарбиялаш, янги авлод камолоти масалаларига қаратилиши алоҳида таъкидланди. "Ёшлар йили" Давлат дастурида ҳам оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш долзарб вазифа сифатида белгиланганлиги иштирокчиларнинг диққат марказида турди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

Вилоят ҳокимлигида

РАҒБАТ БОР ЖОЙДА РИВОЖ ҲАМ БОР

ШУ ЙИЛ 10 май куни Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Содиқ Абдуллаев бошқарди.

Кенгаш аъзолари, шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ушбу йиғилишда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2008 йил биринчи чорагида амалга оширган ишлари ва келгуси вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес корхоналарини тугатиш ёки тиклаш бўйича шаҳар ва туманларда амалга оширилган ишлар аҳволи, ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва уларга кўмаклашиш борасида ахборот-маслаҳат марказлари ва бизнес инкубаторлар фаолияти самарадорлиги тўғрисида ҳам ахборотлар тингланди, мулоҳазалар билдирилди.

БОЛАЛАР ЁЗИ КЎНГИЛЛИ ЎТАДИ

БОЛАЛАРНИ соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев бошқарди.

Йиғилишда ҳокимлик бўлим ва бошқармалари, жамоат ташкилотлари ва тасарруфида болалар оромгоҳлари бўлган корхоналарнинг раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этишди.

Унда ёз ойларида болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Оромгоҳларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини қисқа муддатларда тугаллаш лозимлигига асосий эътибор қаратилди. Комиссия аъзолари уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энергия, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш, тез тиббий хизматни йўлга қўйиш борасидаги вазифаларга алоҳида тўхталишди. Мавсумда тарбиячилар, етакчилар, мутасадди корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари олдида масъулиятли вазифалар турганлиги кўрсатиб ўтилди. Оромгоҳда ўтган ҳар бир кун фарзандларимиз қалбида ўчмас из қолдирсин, деб таъкидлашди иштирокчилар.

Йиғилиш муҳокама қилинган масала бўйича тегишли қарор қабул қилди.

УЛУҒЛАРГА ЭҲТИРОМ

ХОТИРА ва қадрлашнинг улуғ бир намунаси сифатида ҳар йили кенг нишонланаётган 9 май тадбирлари вилоятимизда ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Вилоят маънавият тарғибот маркази ҳар сафардагидек азиз меҳмонлар билан гавжум. Улар давримиз қаҳрамонлари, фаровон турмуш бунёдкорлари, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари – халқимиз эътиборидаги табаррук инсонлар.

Нуронийлик файз-тароватн, салобати билан даврада қур тўкиб ўтирган фахрийлар ўзларига кўрсатилаётган ҳурмат, эътибордан мамнун. Бугун улар ҳар қачонгидан ҳам бахтиёр, ҳаётбахш қалому эзгу тилаклар тиллардан тушмайди.

– Дориломон кунларга етказганига шукр, – дейди паркентлик отахон, меҳнат фахрийси Мирсобир Пўлатов. – Салкам тўқсонга кирдим, "Яхши сўз – жон озиғи" деганлари бор гап. Биз кексаларга, фахрийларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибордан бошимиз кўкка етди. Мустақиллик туфайли эзгу орзуимга эришдим. Ҳаж амалларини бажариш насиб этди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уюштирилаётган бундай хайрли тадбирлар, биз фахрийларга кўрсатилаётган иззат-икром кишини яшашга ундайди. Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов уруш ва меҳнат фахрийларини қутлар экан, инсон қадри азиз бўлган мамлакатимизда халқимиз довруғини дунёга достон қилган аждодларимиз, она Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, тинчлик учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотираси муқаддас, шу кунларга етиб келиш насиб этган мўътабар фахрийларимиз эса ҳамиша эъзозда эканлигини яна бир бор таъкидлади.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Маънавият сабоғи

ЭЗГУ НИЯТ - ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

МАЪЛУМКИ, ҳар қандай жамиятда дин ва давлат муносабатлари долзарб масала бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимиз маънавий ва маърифий ҳаётида, ахлоқ ва турмушда, маданият соҳаларида ислом динининг амаллари ҳамда қадриятлари мукаммал намоён бўлиши учун кенг йўл очилди. Давлатимизнинг Асосий қонуни ҳамма учун виждон эркинлигини кафолатлаб қўйди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистондек кўп конфессияли жамиятда турли дин вакилларининг тинч-тотувликда яшаши, иқтисодиётни ривожлантириш ва турмуш даражасини кўтариш жараёнларидаги тенгма-тенг ҳамкорлиги барқарор тараққиётни таъминловчи муҳим омилга айланди.

– Афсуски, шундай бир шароитда диний экстремизм ҳамда халқаро терроризм жамият барқарорлиги, тинчлик ва хавфсизликка асосий таҳдидга айланиб бормоқда, – деди Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг вилоятдаги вакили Қурбонбой Турсунов. – Маълумки, экстремистик гуруҳлар амалдаги ижтимоий муносабатларни, сиёсий тартибни зўравонлик йўллари билан ва хато ақидалар асосида ўзгартиришга даъват этадилар. Бунинг учун мавжуд ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, ғоявий бўшлиқ ёки ихтилофлардан усталик билан фойдаланадилар.

Ислом дини зўравонликнинг ҳар қандай шаклларини тақиқлайди. Мусулмон, дейилади ҳадиси шарифда, тили ва қўли билан бошқаларга озор етказмаган инсондир. Ҳолбуки, ўзини «исломчи»лар деб атаган баъзи ёт оқимлар – диний экстремистлар ва халқаро террорчилар бугунги кунда одамларни гаровга олиш, жонига қасд қилиш, аҳолининг тинчлигини бузиш орқали ўз сиёсий мақсадларини амалга оширишга зўр бериб уринмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

БИЗНЕС-ФОРУМДА ИШБИЛАРМОНЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДА 12 май куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, нефть-газ, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Корея компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон ва Корея ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Жанубий Кореянинг элликдан зиёд йирик компаниясидан юзга яқин вакил иштирок этди.

ЎзА.

Қишлоқ мулкдорлари

ЎЗИ ЁШУ КЎПГА БОШ

ОҚҚЎРҒОН туманида ёш, изланувчан, омилкор ер эгалари талайгина. Жалол Биюнов шулардан бири. У 2004 йилда тугатилаётган ширкат заминида «Жалол ўғли Шерзодбек» фермер хўжалигини ташкил этиб, асосан оила аъзолари ёрдамида иш бошлади.

Ҳозир хўжаликнинг 42 гектардан зиёдроқ ери бор. Асосий экинлар давлат буюртмасига биноан пахта ва ғалла. Заминдор ўзининг уч-тўрт йиллик фаолияти мисолида бу иккала муҳим тармоқ ҳам аслида ер эгаси учун жуда сердаромад эканлигини кўрсатиб келаётгани диққатга сазовордир.

Айтайлик, хўжалик деҳқонлари ўтган йили 17 гектар майдонда пахта етиштириб, 24 миллион сўмдан зиёд даромад олишди. Буғдойдан кўрилган фойда эса 8 миллион сўмдан ошди. Бу албатта, ҳар иккала тармоқда ҳам ҳосилдорлик шартномада белгиланганидан анча юқори бўлганини англатади.

– Бу йил пахта майдонимизни бироз кенгайтирдик, – дейди фермер. – Чигитни қулай фурсатда экиб олганимиз боис, бенуқсон униб чиқди. Насиб бўлса, давлатга 80 тонна сифатли хом ашё сотамиз, деб режалаб турибмиз.

Хўжалик ерларининг 13 гектарлик қисмида буғдойнинг «Чиллаки» нави парваришланмоқда. Баҳорги агротехник тадбирларнинг сифатли бажарилгани боис, ғалла яхши ривожланди, текис бошоқлади. Хўжалик аъзолари ўримга пухта тайёргарлик кўришаяпти.

– Иш бошлаганимизда битта эски тракторимиз бор эди, – давом этади фермер. – Кўраётган даромадимизга асосан техника харид қилаяпмиз. Ўтган уч йилда учта трактор олдик. Бу йил олганимиз МТЗ 80 русумли трактор янги, замонавий. У хўжалигимизга узоқ вақт хизмат қилади.

Фермернинг бу йилдан ҳам умидлари катта. У эндиги асосий эътиборни хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорликлари, маиший шароитларини юксалтиришга қаратмоқчи.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТДА: (чапдан биринчи) фермер Жалол Биюнов хўжалик аъзолари билан.

Даврон АҲМАД
олган сурат.

Маънавият сабоғи

ЭЗГУ НИЯТ - ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ташқи ва ички таҳдидларга қарши кураш тамойили қарор топтирилди. Ўзбекистон жамиятида, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида турли дин вакиллари биргаликда яшашлари ва ҳамкорликда фаолият юритишлари учун керак бўлган қонун-қоидалар яратилди. Бизда барча дин намоёндаларига шахсий ҳуррият, фикр ва ақида эркинлиги, жон, мол, обрў ва бошқа нарсалар дахлсизлиги тўлиқ кафолатланди.

– Кейинги йилларда сиёсийлашган диний гуруҳлар орасида ўзларини «акромийлар» деб атагувчи оқим пайдо бўлди. Газетхонларимиздан олинаётган баъзи мактублардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, унинг асл моҳияти кўпчиликка тушунарсиз. Шу хусусда нима дея оласиз?

– Баъзи ёшларимиз билиб-билмай, мусулмонлар орасига турли низолар соладиган гуруҳлар билан боғланиб қолишаяпти. Дарҳақиқат, акромийлар, уларнинг нуқтаи назарлари ҳақида кўпчилик етарли маълумотга, тўғри тасаввурга эга эмас. Аслида у моҳиятан ғайриисломий, ғайриинсоний оқим. Унинг дастури пировардида мавжуд тузум ўрнига ўз ҳокимиятини ўрнатишни мақсад қилиб қўяди. Улар ўз сафларини кенгайтиришни кўзлаб, айрим беқарор ёшларни қизиқтириш ниятида, ҳатто, шариатда тақиқланган бир қатор амалларга, масалан, яланғоч аёллар суратига боқиш гуноҳ эмас, дея «фатво» беради. Гўёки, у қуруқ сурат, ҳақиқий аёл эмасмиш. Шунингдек, муайян шароит етилмагунча, жума фарз эмаслиги сингари айрим ношаръий ишларга йўл қўядилар.

Акромийлар турмушда қийналган ёшларни мебель ишлаб чиқариш цехлари, дўконлар, турли устахоналарга ишга жалб қилиб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга уринадилар. Бугунги ҳаётнинг камчиликлари, айрим муаммолар, «биродарлар жамоаси» муҳитидаги биқиқ фаровонлик ҳақидаги суҳбатлар билан ёшлар руҳиятига таъсир кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Ўтмишда ҳам турли оқимлар мавжуд бўлган. Учинчи минг йиллик бошларига келиб, ислом динини ўзларига ниқоб қилиб олган турли номдаги янги ёт оқимлар пайдо бўлди. Уларнинг номи бошқа-бошқа бўлгани билан дастурий мақсадлари бир – жамиятда бузғунчиликни авж олдириб, одамлар орасига нифоқ солишдан, ҳокимиятга интилишдан иборат.

Энг ачинарлиси шундаки, бундай зарарли оқимлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоқларига илинтириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар.

– Хўш, мана шундай бузғунчи оқимларга шариат ҳукми нуқтаи назаридан қандай баҳо берилади?

– Бу – табиий савол. Муқаддас Ислом динини ниқоб қилиб, манфур мақсадларни кўзловчи мутаассиб кучлар, ўз-ўзидан, барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди. Бундай бузғунчиларни уламоларимиз «аҳли бидъат» деб номлаганлар. Уламолар мусулмонларни бидъат аҳлидан узоқда юриш, уларнинг суҳбатларидан сақланишга даъват этадилар.

Шу ўринда таассуф билан қайд этамизки, ғайриисломий қарашлар муайян даражада ёйилишига, динимиз софлигига путур етишига сабаб бўлаётган яна бир сўқир куч бор. Бу – чала муллалар, сохта имомлар. Улар турли давраларда, тўю маъракаларда илмсизлик ва бефаросатлик билан суғорилган маърузалари воситасида мусулмончилигимизни оёқ ости қилмоқдалар, соф ниятли, қалби пок ҳамюртларимизда жиддий эътирозлар туғдирмоқдалар.

Биласизки, бидъатдан жаҳолат сари йўл – бир қадам. Шундай бидъатчилар касрига учраб, айрим нособит замондошларимиз жаҳолат тузоғига тушиб қолмоқдалар. Гоҳи-гоҳида учраётган ўзга динларга кириб кетиш ҳоллари шунинг оқибатидан бошқа нарса эмас. Ўз нафсини тия олмай, озгина «қўл қоқиш»га учиб кетаётган боқиманда кайфиятдаги бундай кимсалар бугун муқаддас динини сотса, эртага ўз нафсини қондириш учун юртини, Ватанини ҳам сотишдан тоймайди.

– Ҳозирги кунда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан кўп идора ва ташкилотлар шуғулланади. Лекин назаримизда, миллий ва диний қадриятларни тарғиб қилиш жараёнида қандайдир кемтикликлар бордек кўринади. Сизнингча, булар нималарда намоён бўлаётир? Нега айрим ёшларимиз ёт оқимлар таъсирига осон тушиб қолмоқдалар?

– Тўғри, бугун юртимизда инсон тарбияси кенг жамоатчиликнинг вазифасига айланди. Мустақиллик йилларида баркамол янги авлодни тарбиялашнинг яхлит тизими шаклланди. Бунинг самараларини кундалик ҳаётимизда, эришаётган ютуқларимизда кўриб турибмиз. «Жаҳолатга қарши – маърифат билан!» шиори ўз самараларини бераяпти.

Лекин бу жараёнларга соя ташлаб турган айрим жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Энг аввал шуни айтмоқчиманки, биз ёшлар билан асосан каттакатта йиғинларда гаплашадиган бўлиб қолдик. Кўплашиб турли тадбирлар, учрашувлар, кечалар, давра суҳбатлари ташкил этишни ўрнига қўямиз. Бироқ, бирор сабаб билан ҳаётда қоқилиб қолган, моддий-маиший аҳволи мушкуллашган йигит ёки қизни ҳамиша ҳам вақтида пайқамаймиз, дарҳол бағримизга олмаймиз, уни қўллаб-қувватлаб, кўнглини кўтармаймиз. Бу беэътиборлигимиздан душманларимиз, ёт оқимларга мансуб бузғунчилар дарҳол фойдаланишади. Яна ўша акромийлар – «биродарлар»ни олинг. Улар тижорат, тадбиркорлик билан шуғулланиш баҳонасида ёшлар билан яккама-якка иш олиб борадилар, йигит ёки қизнинг мушкулотларини бартараф этиш ниқоби остида уларни ўз таъсир доираларига тушириб қўядилар.

Иккинчидан, ёт оқимлар ўз дастурларини нособит ёшлар онгига сингдиришда бизнинг камчиликларимиздан ўз нуқтаи-назарларини асословчи дастак сифатида фойдаланадилар. Улар жамиятдаги ёмон иллатларни айрим кишиларнинг маънавий қашшоқлиги, ахлоқан нопоклиги, нафси бузуқлигида эмас, балки мавжуд тузумнинг нотўғрилигида деган фикрни бундай ёшларнинг қулоқларига қуядилар. Шу боис биз жамоавий тадбирларни яккама-якка тартибда тарғибот-тарбиявий иш олиб бориш билан уйғунлаштирмоғимиз лозим. Мурғак қалбларга йўл топиш, мунгли кўнгилларга зиё олиб кириш, қадди букилган, қоқилганларнинг тирсагидан олиб, мадад бериш асл исломий қадриятлардир.

– Ислом ақидасига биноан яшаган инсон, – деди суҳбат пировардида Қурбонбой Турсунов, – манфаат, мансаб, бойликни кўзлаб эмас, балки Аллоҳнинг розилиги йўлида жамият бахт-саодати учун сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳалол яшайди. Бу ҳар бир эзгу ниятли кишининг олий фазилатига айланса, жамиятда барқарорлик мустаҳкамланиб, турмуш чинакамига фаровонликка юз тутади.

«Тошкент ҳақиқати»
мухбири
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги Ўзбекистон Миллий университетида математика, механика ва ахборот технологияларини ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур таълим даргоҳи ташкил топганининг 90 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда мамлакатимиз олимлари, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар билан бирга, Россиядан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Анжуманда илм-фаннинг ушбу йўналишида эришилаётган ютуқлар, илмий ихтироларни амалда татбиқ этиш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини намоён этишида кўмаклашиш билан боғлиқ вазифалар хусусида фикрлашилди. Эҳтимоллар назарияси, математик статистика ва физиканинг замонавий масалалари, геометрия ва амалий математика, механика ва ахборот технологиялари йўналишларида амалга оширилаётган илмий изланишларга оид маърузалар тингланди.

ЎзА.

МУРУВВАТ ТАДБИРИ

"СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолияти шаклларидан бири ижтимоий, тиббий ва инсонпарварлик ёрдамига муҳтож одамлар, биринчи навбатда, болаларга ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Жамғарма томонидан инсонпарварлик дастурларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлардан олинган 450 тадан ортиқ ногиронлик аравачаларини аҳолининг бундай тоифаси ва болалар тиббиёт муассасаларига топшириш маросими ана шундай тадбирлардан бирига айланди.

Тадбирда мамлакатимизда имконияти чекланган одамлар саломатлиги ва турмушини яхшилаш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилаётгани ва улар мунтазам кенгайтирилаётгани таъкидланди.

Инсонпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш – мамлакатимиз жамоат ташкилотлари кўп қиррали фаолиятининг бир қисми, холос. Масалан, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг асосий вазифаси ёш авлод соғлигини таъминлаш, унинг жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланиши учун қулай шароит яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳисобланади.

ЎзА.

Маҳалла

ГАП БИЛГАНДАН ИШ БИЛГАН ЯХШИ

– Касаначилик кони фойда экан. Энг муҳими маҳалла аёллари иш билан таъминланди. Қувонарлиси, маҳсулотларимиз хорижга экспорт қилинялти. Яқинда маҳалла гузарида ёшлар учун замонавий спорт-соғломлаштириш марказини очиш ниятимиз бор, – дейди Янгийўл шаҳар Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдужалил Қоратоев.

Сўнгги пайтларда Мустақиллик маҳалласи шаҳарда анча танилиб, илғорлардан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди. Масалан, 2007 йилда шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган "Энг яхши маҳалла" кўрик-танловида ғолиб деб топилиб, компьютер совға қилинди.

Оқсоқол маҳалла манфаатини ҳимоя қилишга нафақат фаолларни, балки барча маҳалладошларини сафарбар этиб, уларни ўз атрофига жипслаштира олди. Энг аввало, аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, уйда ўтириб қолган аёлларни меҳнатга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

– Бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармон бўлмасанг, кўп нарсани йўқотар экансан, – дейди у. – Маҳалламизда турли миллатга мансуб 4250 киши истиқомат қилади. Аслида маҳалла ҳам худди оилага ўхшайди. Агар бир тан-бир жон бўлиб яшамасанг, мақсадга етиш қийин.

Оқсоқолнинг саъй-ҳаракатлари билан "Аҳмад-Фараз" Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонаси билан шартнома тузилиб, маҳаллада касаначилик цехи очилди. Хом ашё қўшма корхонадан, уни тайёр маҳсулотга айлантириш аёллар зиммасида бўлишига келишиб олинди. Шу туфайли 17 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Маҳалла фуқаролари йиғини биноси орқасидаги ташландиқ жой таъмирланиб, шинамгина ишхонага айлантирилди. Бунга анчагина маблағ ҳам сарфланди. Бу ерда ҳозир халат, сочиқ ҳамда салфеткалар тайёрланмоқда. Энг қизиғи, ҳали очилганига бир йил ҳам бўлмаган кичик бир цехнинг маҳсулотларига Россиядан харидорлар чиқди. Эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий қисми Москвага жўнатилаётир.

– Цехимизнинг ишга туширилиши маҳалла аёлларини жуда мамнун этди, – дейди Муҳаббат Бобомирзаева. – Маҳсулотларимиз сифатига эътибор қаратмоқдамиз. Келгусида иш жойимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Чунки, бугун биз тиккан маҳсулотлар Россияга жўнатилмоқда. Хуллас, мақсадларимиз улкан, ҳамкорларни кўпайтирмоқчимиз.

Маҳаллада Юртбошимизнинг кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисидаги йўл-йўриқлари ижросини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Бундай хонадонларнинг аъзолари учун иш жойлари яратилаяпти. Бу борада оқсоқол "Биокимё" акциядорлик жамияти билан ҳам келишиб, уй шароитида ишчилар учун махсус кийимлар, қўлқоплар ҳамда қоплар тикишни йўлга қўйди. Бу билан маҳалладаги кўп болали 13 нафар аёл ўз иш ўрнига эга бўлди, қўшимча маблағ ишлаб топиб, оиласи рўзғорига қут-барака кирита бошлади.

Уй бекаси Наргиза Хусанбоева анчадан бери ишламасди. Қани энди уйда ўтириб ишлайдиган бирор юмуш бўлса, болаларим ҳам қарашарди, деган ўй бот-бот кўнглидан ўтарди. Ана шундай кунларнинг бирида маҳалла раисининг таклифи унинг жонига оро кирди. Дарров розилик билдирди.

– Мана икки йилдирки, уйда қизларим билан касаначилик қилмоқдамиз, – дейди у мамнун бўлиб. – Натижа ёмон бўлмаяпти, рўзғоримизга ҳам барака кириб қолди.

Энг асосийси, "Биокимё" корхонасида унинг номига меҳнат дафтарчаси очилди. Бундан ташқари, Мустақиллик, халқаро Хотин-қизлар куни, Наврўз байрамлари муносабати билан корхона томонидан мукофот пули ҳам берилади. Маҳаллада етмиш оилага 50-60 тадан жўжа тарқатилди.

Халқимизда "Гап билгунча иш билгин" деган нақл бор. Маҳалла оқсоқоли ўзини ишда кўрсатишга ҳаракат қилди. Яқинда ҳомийларни жалб этиб, маҳаллада янги сартарошхона очди. Устага ойлик иш ҳақи белгиланди. Сартарошхона пештоқига эса катта ҳарфлар билан "Маҳалладаги кам таъминланган оилаларга бепул хизмат кўрсатилади" деб ёзиб қўйилди. Раиснинг бу ташаббусини ҳамма қўллаб-қувватлади.

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни алоҳида. Бу борада ҳам Мустақиллик маҳалласида тилга олса арзигулик ишлар қилинаяпти. Ўтган йили шундоққина маҳалла ҳаммоми орқасидаги ташландиқ жой ўрнида болалар учун сузиш ҳавзаси қуриб битказилди. Илгари болалар ёзги таътил кезлари 20 чақирим наридаги анҳорга чўмилишга борардилар. Бу анча хавфли эди. Энди эса маҳалланинг ўзида сузиш ҳавзаси бор. У санитария талабларига ҳам тўла жавоб беради. Энг муҳими, маҳалла учун бепул. Бу ерда таътил кунлари болалар ўртасида турли мусобақалар ўтказилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини қошида ўқувчи-ёшлар ижодий марказ ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унда ўндан ортиқ тўгарак ташкил этилган.

– Ҳозирги кунда бу марказ болажонларнинг севимли масканига айланган, – дейди маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси, марказ раҳбари Ҳуррият Нурмонова. – Қизларимиз дарсдан бўш пайтларида зардўзлик, бичиш-тикиш, каштачилик, болалар эса дурадгорлик, рассомлик, ўймакорлик сирларини ўрганаётирлар. Хуллас, ўқувчиларни бўш қолдирмасликка ҳаракат қилаяпмиз.

Маҳалла ёшларини жисмоний чиниқтириш мақсадида турли спорт мусобақалари, турнирлар ўтказиб туриш ҳам анъанага айланган. Оқсоқолнинг таъкидлашича, яқин кунларда маҳалла қошида замон талабларига жавоб берадиган спорт-соғломлаштириш марказини очиш ҳам режага киритилган.

– Ички йўлларни таъмирлаш, асфальт ётқизиш бугун жуда долзарб бўлиб турибди, – деди Абдужалил Қоратоев. – Яна оталаримиз учун маҳалла гузарида янги чойхона очишни ҳам ўйлаб қўйганмиз. Насиб қилса, бу йил шу ишларни амалга оширамиз.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Муҳаббат Бобомирзаева ҳамда Шокира Йўлдошева; маҳалла раиси Абдужалил Қоратоев фаоллар билан.

Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

ТОШКЕНТ геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи яқин орада навбатдаги битирувчиларни мустақил ҳаётга йўллайди. Улар ҳимоя қилган диплом ишлари ёш мутахассисларнинг пухта билим ва малака эгаллаганликларини намойиш этди.

«Энг яхши диплом лойиҳаси» деб топилган изланишлардан бир нечтаси геодезия ва картография соҳасида амалиётга татбиқ этиш учун тавсия қилинади.

Иқтидорли талаба Дилдора Аширова тайёрлаган диплом иши эса алоҳида мустақил лойиҳа сифатида чоп этиладиган бўлди.

Мукаммал чиққан бу диплом ишида вилоятимизнинг рельефли харитаси ўз аксини топди.

Акбар АЛИЕВ.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 27.03.2006 йилдаги 11-0620/899-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юқоричирчиқ тумани, Тинчлик қ.ф.й., Ийк-ота қишлоғи, Ёшлик кўчаси манзилида жойлашган қуйидаги мулклар қўйилмоқда. 1. "Қоровулхона" биноси майдони 20,27 кв.м бўлган, 1994 йилда қурилган. **Бошланғич баҳоси – 837 070 сўм 76 тийин.** 2. "Сув тортиш биноси" майдони 10,20 кв.м. бўлган, 1994 йилда қурилган. **Бошланғич баҳоси – 336 123 сўм 73 тийин.** 3. "Скважина" майдони 9,00 кв.м бўлган, 1994 йилда қурилган. **Бошланғич баҳоси – 254 528 сўм 78 тийин.** 4. "Плита девор" узунлиги 170 м. бўлган, 1994 йилда қурилган. **Бошланғич баҳоси – 1 357 944 сўм 52 тийин.** 5. "Дарвоза", 1994 йилда қурилган. **Бошланғич баҳоси – 62 366 сўм 64 тийин.**

II. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Бекобод шаҳар судининг 11.04.2008 йилдаги 1-114-сонли ижро варақасига асосан хатланган. "ГБА-ГАЗ-3110-СНГ" русумли, д/р 11Х9646, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 2 000 000 сўм.**

III. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт ва техника воситалари қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти хўжалик судининг 03.03.2008 йилдаги 11-0816/470-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Қовунчи ёрдам сервис" ММТПга қарашли, Янгийўл тумани Эски қовунчи қ.ф.й.да сақланаётган: А) "МТЗ-80" русумли, д/р 3733 ЕР бўлган, 1991 йилда и/ч трактор. **Бошланғич баҳоси – 2 150 500 сўм.** Б) "Т-28Х 4МС-1" русумли, д/р 2591 ЕД бўлган, 1993 йилда и/ч трактор. **Бошланғич баҳоси – 1 380 000 сўм.** В) "ГАЗ-31029" русумли, д/р 11АВ494 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 713 600 сўм.**

2. Тошкент вилоят хўжалик судининг 03.03.2008 йилдаги 11-0816/469-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Тинчлик ёрдам сервис" ММТПга қарашли, Янгийўл тумани, У. Мусаев қ.ф.й.да сақланаётган: А) "Т-28Х4" русумли, д/рсиз, 1984 йилда и/ч трактор. **Бошланғич баҳоси – 1 923 000 сўм.** Б) "Т-28Х4" русумли, д/рсиз, 1984 йилда и/ч трактор. **Бошланғич баҳоси – 1 840 000 сўм.**

3. Тошкент вилоят хўжалик судининг 25.03.2008 йилдаги 11-0816/995-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Мустақил Ўзбекистон 5 йиллиги" номли Янгийўл тумани ПТЗга қарашли, Янгийўл туман, Гулбаҳор қ.ф.й.да сақланаётган: А) "Нексия" русумли, д/р 11АК856 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 10 495 000 сўм.** Б) "ВАЗ-21070 110-20" русумли, д/р 11АК 870 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 7 136 000 сўм.**

IV. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 07.01.2008 йилдаги 11-0716/10924-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл тумани, Эски қовунчи қ.ф.й.да жойлашган, ер майдони 1200 кв.м бўлган, "Янгийўл шароб савдо" улгуржи савдо базасининг бино-иншоотлари қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 69 102 000 сўм.** Аукцион савдоси 2008 йилнинг 17 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

V. Шунингдек, 2008 йил 3 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт ва техника воситалари такроран қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Пскент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган: 1. Тошкент вилояти хўжалик судининг 12.01.2007 йилдаги 11-0617/13821-сон ва 13.02.2007 йилдаги 11-0617/13821-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Олмалиқ ТИФ Миллий банки филиали ҳудудида сақланаётган "Трактор ВТ-150" русумли, д/р 37-89ЕЗ бўлган, 2005 йилда и/ч занжирли трактор. **Бошланғич баҳоси – 25 504 000 сўм.** 2. ЖИБ Пскент туман судининг 17.09.2007 йилдаги 176-сонли ижро варақасига асосан, Пскент тумани, Туркистон ф.х.у., Оқтепа қ.ф.й. ҳудудида яшовчи қарздор Алибеков Хаитқул хонадонида сақланаётган, "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11Q6190 бўлган, 1971 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 993 000 сўм.** 3. ФИБ Ўртачирчиқ туманлараро судининг 13.09.2007 йилдаги 4443-сонли ижро варақасига асосан, Пскент тумани, "Автотранс Асадбек" ХКда сақланаётган, "ГАЗ-31029" русумли, д/р 11 АК014 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 4 279 000 сўм.** 4. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Янгийўл туман судининг 05.12.2007 йилдаги 780-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл тумани "Матлуботсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган "ГАЗ-66" русумли, д/р Х837НАМ бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 3 840 000 сўм.**

Кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. **Манзил:** Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч., 1-А уй. **Тел.:** 228-79-52. **www.rkmb.uz**

УРЧИШ МАВСУМИДА ОВ ТАҚИҚЛАНАДИ

Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган "Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари" меъёрий ҳужжати балиқ захираларини кўпайтириш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда балиқ урчиш мавсумини беталафот ўтказишда асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжатга асосан республикамиз ҳудудидаги барча сув ҳавзаларида 25 мартдан 15 июнга қадар балиқ овлаш тақиқланган. Чунки, айнан шу муддат балиқларнинг урчиш мавсуми ҳисобланади.

Қўмитамиз томонидан ҳам бу мавсумни уюшқоқлик ҳамда талаб даражасида ўтказиш учун муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Туманимизнинг жанубий ғарб томони билан Сирдарё дарёсининг 10 километрдан зиёдроқ қисми чегарадошлиги бизни янада масъулият билан ҳаракат қилишга ундайди. Бунинг учун энг аввало, туман ички ишлар бошқармаси, солиқ инспекцияси ҳамда қўмитамиз ҳамкорлигида қилинажак ишлар режаси ишлаб чиқилди. Шунга биноан тезкор гуруҳ ташкил қилинди.

Режага кўра балиқ савдоси билан шуғулланадиган ҳамда балиқ маҳсулотларини пишириб сотадиган жойларда балиқ овлаш ва сотиш тақиқланганлиги тўғрисида тилхатлар тарқатилди. Қатор тарғибот ва ташвиқот учрашувлари ҳам кўнгилдагидек ўтаяпти.

Бевосита табиий сув ҳавзаларида балиқ ва бошқа сув жониворларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолларини фош этиш ва олдини олиш мақсадида рейдлар ўтказяпмиз. Куни кеча олиб борган рейдимиз давомида К. Мамажонов ва Р. Боймуродов ноқонуний равишда балиқ овлаётганларида қўлга олинди. Бу қилмишлари учун уларга салкам 21 минг сўмдан жарима солинди.

Мавсум давомида бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун сув ҳавзалари ва атрофдаги ҳудудларда балиқ овловчи ташкилотларга тегишли бўлган тўрлар ва анжомлар муҳрланган омборларда сақланишига эътибор берилаяпти. Балиқчилар ва фуқаролар томонидан моторли қайиқларни ишлатмаслик ҳамда сув ҳавзаларида бегона кишилар бўлмаслигини таъминлаш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилаяпти.

Шунингдек, балиқ етиштириладиган кўл ва сув ҳавзаларида балиқ ва уни етиштириш учун зарур бўладиган маҳсулотлар ўғирланишининг олдини олиш учун ушбу объектларни қўриқлаш ҳолати бирма-бир ўрганиб чиқилмоқда ва аниқланган камчиликлар бартараф этиб борилмоқда.

Мухтабар ҲОЛИҚОВА,
Бўка тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

СУРАТЛАРДА: Мухтабар Ҳолиқова; қўмита ходимлари балиқ урчиш мавсумини беталафот ўтказиш учун бор имкониятларини ишга солишмоқда.

Бу қизиқ

КЎК РАНГНИ АЖРАТА ОЛМАЙДИЛАР

ОКЕАНОЛОГЛАРНИНГ ҳисоблашича, дельфинлар сузиб юрадиган сувлар кўк рангда бўлгани учун уларнинг кўзи бу рангни ажрата олмас экан.

Дельфинлар гарчи сувда яшаса ҳам ҳаво билан нафас олади. Улар одатда тўда-тўда бўлиб яшашади. Агар бирор дельфин ёрдамга чақирса, бошқалари дарҳол сузиб келади ва унинг нафас олиши учун икки томонидан тутиб, сув юзасида ушлаб туришади. Улар чўкаётган одамга ҳам шундай ёрдам беришади. Дельфинлар ўзаро "сўзлашганда" ўзидан ультратовуш чиқаради. Бироқ, одамзот уни эшитмайди. Уларнинг ягона камчилиги юқорида айтилганидек, кўк рангни фарқлай олмаслигидир.

«ФОЙДА»НИНГ ЗАРАРИ

Бу ҳақда ўйлаб кўриш фурсати аллақачон етди

Кейинги йилларда айрим деҳқонларимиз ва фуқаролар ғалладан бўшаган майдонларда сомон қолдиқлари ва ҳар хил чиқиндиларни ёқиб юбораётгани кишини ажаблантиради. Экологик офат келтирувчи бундай вазиятни содир этаётганлар майдонларга такрорий экин экиш учун ерни бўшатиб, уни тезроқ ҳайдашга тайёрлаш дея қилмишларини хас-пўшлашга уринишади. Лекин аслида улар сомон қолдиқлари ва чиқиндиларни чўмиб, компост қилишдан эриниб, ундан тезроқ қутулиш мақсадида бундай ҳаракатларни маъқул, деб билишмоқда. Наҳотки, улар бундай номаъқулчиликлар жуда катта муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини англаб етмасалар?

Шу ўринда савол туғилади. Ерни экишга тайёрлаш учун сомон қолдиқларини ёқиш шартми?

Олимларимиз ҳамда кўплаб тажрибали деҳқонларимизнинг фикрича, такрорий экин экиш учун ерни ҳайдаш шарт эмас. Сомон ва тўкилган бошоқлар (машоқ) йиғиб олингач, ерга югуртириб сув берилиши, уни чуқур чизеллаб ёки экин экиладиган қаторлар юмшатилиши эвазига ҳар қандай турдаги экинни экиш мумкин экан. Бунда, ҳатто, анчагина афзалликлар мавжуд. Биринчидан, ердаги намлик сақлаб қолинади. Иккинчидан, ёз иссиғида экилган кўчат ёки уруғларга сомон соя бериб, унинг кўкаришини тезлаштиради. Дон экинларидан қолган озуқа моддаларини янги экиннинг ўзлаштириши тезлашади. Қолаверса, сомон қолдиқлари ер бағрида ҳосил берувчи экинлар учун чиришдан сақлайдиган яхшигина тўшама сифатида ёрдам беради. Бундай усул аввалдан ота-боболаримиз томонидан қўллаб келинган.

Биргина мисол. Ўтган йили Сирдарё вилояти, Оқ олтин туманидаги фермер хўжаликларида ҳам бу усул синаб кўрилиб, яхшигина самарага эришилди. Американ фермерлар ҳам бундай тадбирни юқори баҳолаб, уни ўз иш тажрибаларида синаб келишаётир.

Бундан ташқари, сомон ўз навбатида чорвачилик учун яхшигина озуқа манбаи бўлиб турганида уни кўр-кўрона ёқиб юбориш билан исрофгарчиликка йўл қўйилаётир. Ҳозирги кунда бозорларда 1 та ўрам сомон (10 кг.) 2-2,5 минг сўмга сотилмоқда. Агар 1 гектар майдонда 2 тонна сомон ёниб кетадиган бўлса, йўқотиладиган иқтисодий кўрсаткич камида 200 минг сўм бўлади. Бу ёғини энди ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб олаверинг. Биргина шу сомон ёниши оқибатида ерларнинг унумдор устки қатлами куйиб, 20 сантиметр чуқурликкача қизиб кетиши, туп-роқнинг барча хусусиятларига зиён етказиши, ерларнинг беминнат хизматкори, "ҳосилот"лари бўлган чувалчанг-ларнинг қирилиб кетиши (1 гектар ер майдонида 4 миллиард дона чувалчанг бўлса, уларнинг камида 10 фоизи шикастланади) кузатилади.

Энг ачинарли ҳолат шундаки, сомон ёқилиши туфайли атрофдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жумладан, тут дарахтлари, майда фойдали ҳашаротлар, судралиб юрувчи тошбақа, илон каби ноёб ҳайвонлар, паррандалар, қуш уяларига зиён етказилади. Далалар орқали ўтадиган электр сими, алоқа тармоқлари устунлари, қаровсиз қолган чорва моллари, шамол таъсирида экин майдонлари, бино ва иншоотларга ўт кетиш ҳоллари содир бўлмоқда.

Қолаверса, бундай ҳолат тупроқнинг ўз-ўзини тиклаш каби ноёб хусусиятининг бузилишига олиб келади. Сомонга қўшилиб далаларда сочилиб ётган плёнка қолдиқлари, бакалашкалар, ҳархил чиқиндиларнинг ёниши туфайли атмосферага чиқариладиган канцероген заҳарли моддалар таъсирида инсон генофондига зарар етказувчи кимёвий заҳри қотиллар тарқалади. Унинг, айниқса, ўсмир йигитларимизга кўрсатадиган таъсири хавфли бўлиб, уларни бепуштлик дардига мубтало қилади. Ҳосил бўладиган ис гази (C02), углерод IV оксиди, N02 азот IV оксиди, аммиак, аммоний гидро оксиди ҳавога тарқалиши азон туйнугининг катталашиб ер юзида содир бўлаётган глобал исиш жараёнининг тезлашишига олиб келаётгани ҳақида ўйлашимиз зарур эмасми?!

Юқоридаги каби нотўғри хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида 2007 йилнинг 4 январидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Молия вазирликлари ҳамда Табиатни муҳофа қилиш давлат қўмитасининг "Бошоқли дон экинлари пояси сомони ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қўшма қарори кучга кирган. Унга кўра ёқилган ҳар бир гектар бошоқли дон экинларининг ҳисобидан ернинг балл бонитети, ҳосилдорлиги ва дон маҳсулотлари ҳарид нархига асосланиб, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 88-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача жаримага тортилади. Бундан ташқари, бой берилган ҳосил эвазига ҳар гектар ер ҳисобидан энг камида 100 минг сўмдан ортиқ товон ундириш кўзда тутилган.

Табиат ва инсон

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси

Биласизми?

Дарахтларга ёпишиб ўсувчи лишайник мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра, биргаликда ўсадиган икки ўсимликдан, яъни замбуруғ ва сувўтидан иборатлиги аниқланган.

* * *

Эман минг йилгача умр кўради. Бу дарахт саксон йил давомида бўйига, кейин эса энига ўсади.

* * *

Сайёрамизда энг қадимий ҳайвонот боғи эрамиздан аввалги I асрда Рим империясининг ҳукмдори Август буйруғи билан ташкил қилинган. Тарихий манбаларга кўра бу ерда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган 3500 парранда ва жониворлар боқилган экан.

ОЛДИНДАН БИЛИШ МУМКИНМИ?

СЎНГГИ йилларда Хитой, Покистон, Индонезия, Туркия, Перу ва Чилида содир бўлаётган зилзилалар натижасида минглаб кишилар ҳаётдан бевақт кўз юммоқда.

Бу дегани яна камида шунча одам бошпанасиз қолмоқда. Айтишларича, нотинч Химолай тоғ тизмаси келажакда яна ҳам кучлироқ зилзилаларни келтириб чиқариш эҳтимоли катта экан. Бундай ҳолат зилзилани олдиндан аниқлаш заруратини кун тартибига қўяётир. Хўш, шундай экан, зилзилани олдиндан билиш мумкинми?

Маълумки, зилзилани аввалдан билиш жуда ҳам мураккаб масала. Шунга қарамай, маълум натижаларни қўлга киритишга умид бор. Эндиликда ҳайвонларнинг ўзини тутиши, радиоактив газларнинг ажралиб чиқиши, табиат хавф-хатаридан огоҳлантирувчи турли белгилар сирасига электромагнит радиацияси ҳам киритиладиган бўлди.

Баъзи зилзилалардан аввал олимлар Ердан электромагнит импульслар ажралиб чиқишини ва ионосферада электромагнит тўлқинланишлар пайдо бўлишини кузатишган. Шу билан бирга сайёрамизнинг тўйинган газлардан иборат нозик қобиғи 80 дан 1000 километргача кенгайиши аниқланган.

Зилзила радиосигналлар тарқатишини биринчи бўлиб 20 йил аввал Колифорниядаги Стенфорд университетининг олими Энтони Фрейзер Смит кашф қилган эди. Ўшанда у Сан-Францискода содир бўлган Лома-Приета зилзиласи асосида 10 Гц гача бўлган электромагнит шовқинлар мониторингини ўтказди. Ушбу тажриба натижасида олим ер қимирлашидан икки хафта олдин электромагнит шовқинларининг тахминан 20 марта кўпайгани ҳамда ушбу кўрсаткич зилзиладан кейин бир ойгача сақланиб турганини кузатган.

Муаммо, мулоҳаза, муносабат

СУВНИ ТЕЖАШГА ҚАЧОН ОДАТЛАНАМИЗ?

БУГУНГИ кунда дунё миқёсида ичимлик суви долзарб экологик муаммога айланиб бормоқда. Нима сабабдан табиат инъоми саналмиш бу бебаҳо неъмат сўнгги вақтларга келиб дунё жамоатчилигини ташвишга солаяпти? Вазиятнинг чиндан ҳам тобора мураккаблашиб бораётгани ростми? Бундай шароитда табиатни муҳофаза қилувчи идоралар олдида турган вазифалар қандай? Мазкур саволларга жавоб излаш мақсадида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси биринчи ўринбосари Холтўра Сувоновни суҳбатга чорладик.

– Холтўра Одилбоевич, мутахассис сифатида айтингчи, нима сабабдан аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи кун сайин ортиб бормоқда?

– Биласизми, кўпгина нуфузли олимларнинг фикрича, саноқли йиллардан сўнг шундай вазият юзага келадики, дунё бозорида нархи ошиб бораётган «қора олтин» ўз ўрнини оддий ичимлик сувига бўшатиб беради. Россия Фанлар академиясининг сув муаммолари институти директори Виктор Даниловнинг таҳлилига кўра, ҳозирги пайтда сув танқислигини 1,1 миллиард киши ҳис қилмоқда. 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 3 миллиарддан ошиб кетиши башорат қилинмоқда. Шунингдек, Ер курраси-нинг 40 фоиз аҳолиси яқин келажакда намгарчилик етишмаслигидан азият чекар экан. Дунё миқёсида аҳоли сони шу зайлда кўпайиб бориши билан умумий сув истеъмоли ҳам шунга яраша ошиб бораверади. Бироқ, сув ҳажми аксинча камайиб кетяпти. Буни график шаклда изоҳласак, 2025-2030 йилларга келиб бу чизиқлар кесишиб инқироздан дарак беради, яъни аҳолининг ярми оддий ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Чунки, сув ҳавзаларининг ифлосланиши ҳамда оммавий экологик меъёрларнинг бузилиши мавжуд сув захираларини жуда ёмон аҳволга келтираётир.

– Иқтисодий ислоҳотлар туфайли саноат корхоналарининг фаолиятига алоҳида эътибор берила бошланди. Бу яхши, албатта. Лекин бугунги замонавий технологиялар фаолиятида ичимлик сувининг ифлосланиши янада яққол кўзга ташланаётганлиги кишини хушёрликка тортиши табиий. Бу хусусда нималар дея оласиз?

– Ҳозирги ишлаб чиқариш саноатида барча ишлар силлиқ кетаяпти, деб бўлмайди. Шу ўринда сувни нафақат муҳофаза қилиш, балки кўз қорачиғидек асраб-авайлаш пайти келмадимикан, деган савол кўндаланг бўлади. Унга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш кайфиятидан қутулиш йўлларини ўйлаб кўриш фурсати аллақачон етган.

Ҳар қандай замонавий технологик жараёнда кўп миқдорда сув ишлатилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ҳар йили мавжуд ичимлик сувининг ярми ифлосланар экан. Бундан ташқари, экин майдонларининг нотўғри суғорилиши, сув тармоқларидан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида обиҳаётнинг беҳуда исроф бўлишига йўл қўйилади. Натижада сув камайиб бориб, унинг захиралари бутунлай тикланмай қолади. Бир сўз билан «инсон табиий сувнинг тикланиш механизмини ўз қўли билан барбод қилмоқда» дейиш мумкин.

Яхши биламиз, энергетика сувни энг кўп сарфлайдиган соҳа ҳисобланади. Мисол учун, қуввати 1 миллион куб метр бўлган иссиқлик электр станцияси бир йилда 1 куб километр сув ишлатади. Шунинг учдан бир қисми бутунлай сарф бўлади. Худди шундай қувватга эга бўлган атом станцияси йилига 1,6 куб километр сув харжлайди. Шунингдек, 1 тонна пўлат ишлаб чиқариш учун 20 куб метр, 1 тонна қоғоз чиқаришга 200 куб метр сув керак. 1 тонна кимёвий тола ишлаб чиқариш учун эса 4 миллион куб метрдан ортиқроқ сув зарур бўлади.

Чирчиқ шаҳрида фаолият юритувчи «Максам-Chirchiq» – Ўзбекистон кимё саноатининг энг йирик корхоналаридан бири. У Чирчиқ дарёсига оқава сувларини ташлаш бўйича ҳам биринчилардан. Маълумотларга қараганда, ўтган йили корхона Чирчиқ дарёсига 117,38 миллион куб метр оқава сув ташлаган бўлиб, шундан 87,62 миллион куб метри тўлиқ тозаланмаган. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш юксалиб бориши билан бундай чиқинди сув ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Улар таркиби асосан аммонийли ва нитратли азотдан иборат. Корхона томонидан табиатга етказилаётган бундай зарарнинг олдини олиш учун, энг аввало, йирик реконструкция ишларини амалга ошириш керак бўлади. Оқава сувлар таркибида учраётган азот бирикмасини карбамид ва капролактам ишлаб чиқариш саноатига йўналтириш хусусида ҳам ўйлаб кўриш зарур. Қолаверса, корхонада нитрит-демитрит фиксация қурилмаси иш фаолиятини янада кенгайтириш ҳам ўз самарасини бериши аниқ.

– Вилоятимизда сув таъминотини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган қандай ишларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

– Вилоятда сув таъминоти Чирчиқ, Сирдарё, Оҳангарон дарёлари ҳамда Чорвоқ, Оҳангарон, Туябўғиз омборлари орқали бошқарилади. Бундан ташқари вилоят ҳудудидаги 5 та кон атрофида 2028 та сув қудуғи мавжуд. Ҳар йили халқ хўжалиги учун сув иншоотларидан 6300 миллион куб метр сув ишлатилади. Шундан 3570,9 миллиони саноат корхоналари учун, 1600 миллиони гидроэнергетика учун сарф бўлса, 690 миллион куб метр сувдан маҳаллий коммунал ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилади. Бир йилда ифлосланган сувлар 87,6 миллион куб метрга етаяпти.

Ҳозирги вақтда вилоят ҳудудида 105 та тозалаш иншооти фаолият кўрсатмоқда. Булардан 46 таси биологик, 41 таси механик ҳамда 2 таси физик-кимёвий услубда ишласа, 16 та локал тозалаш иншоотлари, шунингдек, 6 та йирик коммунал сув иншооти бўлиб, улар зиммасига оқава сувларнинг 85 фоизини тозалаш вазифаси юклатилган. Улар бир йилда 117 миллион куб метр оқава сувни тозалаб бераётир. Қайта ишлатиладиган сувлар миқдори 1723 миллион куб метрга етаяпти.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда вилоятимизда сув муҳофазаси бўйича ўта салбий ҳолатлар учрамади. Сув ҳавзаларига жиддий таъсир кўрсатувчи иншоотлар қурилмади.

Қолаверса, охирги вақтларга келиб саноатни қайта ишлаш заводлари жуда кам қувват билан ишлаши сабабли улардан чиқадиган оқава сувлар йўқ қилинмоқда. 90-йилларда бундай заводлардан чиқадиган ифлосланган оқава сувлар ҳажми 30 миллион куб метр бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 1 миллион куб метрдан ошмайди. Бу ўз ўрнида Чирчиқ, Оҳангарон дарёларининг қуйи оқимларида вазият яхшиланаяпти деган сўз. Саноат ишлаб чиқариш участкаларининг ёпилиши ва ҳар йили локал тозалаш иншоотларининг реконструкция қилиниши натижасида оқава сувларининг ҳажми 1,5 дан 3,5 минг куб метрга камайиб, уларнинг ҳолати меъёрий талаб кўрсаткичларига тўла жавоб бермоқда.

Бўстонлиқ туманида 2002 йилда ишга туширилган Чорбоғ-Бақачўл ва Ғазалкент-Чорбоғ канализация коллекторларининг фаолияти натижасида ҳам табиий шароит анча яхшиланди. Ҳозирги вақтда бундай коллекторлар яқинида жойлашган иншоотларга оқава сувларини улаш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, 2007 йилда Чорбоғ қишлоғидан Чирчиқ дарёсига ташланадиган оқава сувлар тўхтатилди. Чунки, қишлоқнинг 2,7 минг куб метр ҳажмдаги оқава сувлари Бақачўл-Ҳожикент-Ғазалкент туманлараро канализация коллекторига уланди.

– Дунё миқёсида сув муҳофазаси учун қандай усуллар мақбул ва самарали деб баҳоланмоқда?

– Нима бўлган тақдирда ҳам барибир вақти келиб, инсоният сувни тежашга ўрганади. Ҳозирдаёқ Антарктидадан Араб ярим оролига айсбергларни келтириш лойиҳалари мавжуд. Араб шайхлари бунинг учун кўп миқдорда пул тўлашга тайёрлар. Ичимлик сувини ҳосил қилиш қийин технологик жараён бўлса ҳам улар нефтдан келадигин маблағлари ҳисобига барча харажатларни қоплашни кўзлаб туришибди. Шу билан бирга Гринландиядан Канада мамлакатига ичимлик сувини келтириш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда.

Дунё миқёсида сув муҳофазасини йўлга қўйиш, сув хўжалигини қайта қуриш ўзининг аниқ усул ва йўналишларига эга бўлиб бормоқда. Шулардан биринчиси, сув тежамкорлиги тадбиридир. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун жуда кам миқдорда сув сарф этиш ҳамда сувни тежашга оид янги технологияларни қўллашдир. Иккинчи усул сифатида гидроресурслар муҳофазасига эътибор берилмоқда. Бу усул оқава сувларни дарёларга ташлашни камайтириш ҳамда самарали тозалашни ташкил этиш каби ишларни қамраб олади. Энг кўп сув сарфловчи ишлаб чиқариш корхоналарини иложи борича сув манбаларига яқин қилиб қуриш ёки уларни қулай жойларга кўчиришга учинчи йўналиш сифатида қаралаётир.

– Сизнингча, аҳолининг сувга нисбатан бугунги кундаги муносабатини қониқарли деб бўладими?

– Албатта, тирик мавжудот борки, унга энг аввало сув керак. Яшаш учун ҳам, боғдорчилик, деҳқончилик, қолаверса, саноат ишлаб чиқариши учун ҳам сув бўлиши зарур. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ер куррасининг учдан икки қисми сувдан, қолгани қуруқликдан иборат экан. Сув миқдорининг 96,5 фоиздан ортиқроғи денгиз сувлари – шўр сув бўлса, ичимлик сувлари ҳаммаси бўлиб атиги 3,5 фоизни ташкил этиши ҳам яхши маълум. Унинг ҳам 1,74 фоизи абадий музликлардан иборат. Салкам 2 фоиз сувгина ичишга яроқли оқин сувлар, холос. Шундай экан, оби-ҳаёт саналмиш сувни қадрлашимиз лозим.

Албатта, сувни исроф қилмаслик учун тарбиявий ишни, энг аввало ўзимиздан, оила аъзоларимиздан бошлашимиз лозим. Кўни-қўшни, маҳалла-қўйдаги ножўя хатти-ҳаракатларга лоқайд, бепарво бўлмаслигимиз керак.

Мана, оддий мисол. Дала ҳовлиларда зарурат учун жуда кўп қудуқлар қавланади. Натижада эса, ер ости сувлари бир неча ўн метрга пасайиб кетмоқда. Бу ҳолат борабора яқин атрофдаги дарёларнинг қуришига сабаб бўляпти. Шу билан бирга ўрмонларнинг кесилиши, карьерлар ва йўллардан нотўғри фойдаланиш ҳам гидрорежимни ўзгартиришга олиб келаётганлигини кузатиш мумкин.

Ёз фаслида баъзан 4-5 қаватли уйларнинг юқори қаватидаги хонадонларда яшайдиган кишилар сув таъминоти чатоқлигидан пастки қаватдаги қўшниларидан челакда сув ташийдилар. Ваҳоланки, пастки қаватларда кимлардир резина ичаклар ёрдамида томорқасини тунукун суғоришга одатланган. Айрим юртдошларимиз совуқ сув жўмрагини борича очиб қўйиб, хонасининг «микроиқлими»ни таъминлашдан виждонлари қийналмайди. Буни исрофгарчилик эмас, балки кечирилмас зараркунандалик, деб баҳоламоқ керак.

Саҳифани вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Хуршида НАЗАРОВА ҳамда Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлашди.

ЁШ КИНОИЖОДКОРЛАР АНЖУМАНИ

ЎЗБЕКИСТОН давлат санъат институтида Марказий Осиё ёшларининг "Ижодий парвоз" учинчи халқаро кинофестивали бошланди.

"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ўтаётган ушбу тадбир "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академия, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, Миллий телерадиокомпания, Бухоро вилояти ҳокимлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси сингари бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон давлат санъат институти ректори У. Корабоев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлади. Бундай масъулиятли вазифани амалга оширишда миллий санъат, жумладан, кино санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

"Ижодий парвоз" халқаро кинофестивалидан кўзланган асосий мақсад истеъдодли ёш киноижодкорларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижодини атрофлича таҳлил этишдан иборатдир.

Фестивалда ўзбекистонлик ёш киноижодкорлар билан бирга Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон вакиллари томонидан яратилган янги экран асарлари намойиш этилади.

Пойтахтимиз ҳамда Бухоро шаҳрида давом этадиган мазкур киноанжуман доирасида ижодий учрашувлар, маҳорат сабоқлари, турли саёҳатлар ташкил этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

"Баркамол авлод – 2008"

ЎРТА махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчилари ўртасидаги "Баркамол авлод – 2008" спорт ўйинларининг Қорақалпоғистон Республикасида ўтказиладиган мамлакат босқичига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтадиган 12 минг ўринли "Турон" стадиони капитал реконструкция ишлари амалга оширилгач, барча замонавий талабларга жавоб бера оладиган спорт мажмуига айланди.

ТАЙЁРГАРЛИК НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Айни пайтда мусобақаларда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 1600 нафарга яқин ўғил-қиз спортнинг 12 тури бўйича беллашади. Уларнинг куч ва имкониятлари, иштироки 126 нафар ҳакам томонидан баҳолаб борилади.

Ушбу спорт ўйинлари арафасида Нукус ва Хўжайли шаҳарларидаги кўплаб спорт иншоотлари таъмирдан чиқарилди. Спортчиларни жойлаштириш учун 11 Талабалар турaржойи таъмирланиб, спорт байрамига тахт қилиб қўйилди. Ётоқхоналар замонавий алоқа воситалари, интернет тармоғига уланган компьютерлар билан тўла таъминланган. Ёшларнинг мусобақалардан бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун қатор маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

"Баркамол авлод – 2008" ўйинлари иштирокчиларига намунали транспорт хизмати кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчиларни спорт мусобақаларига олиб бориш, Қорақалпоғистоннинг диққатга сазовор жойлари, қадимий ёдгорликларига саёҳатлар уюштириш мақсадида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 48 та "Isuzu" автобуси келтирилди.

Қорақалпоғистон заминида ёшлик, нафосат ва шижоат байрами бўлмиш "Баркамол авлод" спорт мусобақалари иштирокчилари учун барча шарт-шароит муҳайё этилмоқда.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Дўрмон ҳангомалари

ИШҚИБОЗЛИК

ЭРКИН ВОҲИДОВ фақат шоирлиги билангина эмас, балки шахматга ишқибозлиги билан ҳам машҳурдир. Ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ҳовлисида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий шахмат мусобақасида кетма-кет икки марта биринчи ўринни олган.

Шоирнинг яқин жўраларидан бири, ҳаваскор шоир ва моҳир шифокор Иброҳим Мусаевнинг ҳикоя қилишича, кунлардан бир куни водийдан Эркин аканинг мухлислари келиб, шоирнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун чойхонада қўлбола палов қилишади. Шоирни бошлаб келиш, табиий, Иброҳим акага топширилади. Эркин ака илтимосни эшитгач, муҳим ишлари борлигини айтиб, узр сўрайди.

– Меҳмонлар узоқдан атай сизни деб келишган, беш дақиқага бориб, салом-алик қилиб қўйинг, ҳеч бўлмаса, – дея Иброҳим ака илтимос қилади.

Шоир ноилож йўлга чиқади. Чойхонада меҳмонлар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, узр айтиб, кетмоққа чоғланаётганда шундоқ кўрпачанинг бир четида сочилиб ётган шахмат доналарига кўзи тушиб қолади.

– Ие, шахмат бор экан-ку! – дейди шоир жонланиб.

– Ҳа энди, ўзимизча эрмак қилиб ўтирувдик-да, – дейди меҳмонлардан бири ийманибгина.

– Қани, биз ҳам бир эрмак қилайлик-чи, – дейди шоир шахмат доналарини аста олдига суриб.

Рақиб ҳам тайёр эди, жанг қизиб кетади. Шу ўтиришганча, беш дақиқа эмас, беш соатдан зиёд вақтнинг қандай ўтиб кетгани сезилмайди. Оқшом чўкиб, чироқ ёқилади. Уйига кетолмаётган чойхоначи безовталанади. Шоирнинг зарур иши ҳам аллақачон эсидан чиқиб кетади. Ишқибозлик шу даражада эди-да!...

... Эркин ака ана ўша қадрдони Иброҳим аканинг шахмат ўйнашини билмас экан, ногоҳ бир куни ўзаро дона суриб қолишади-ю, ютқазиб қўяди. Табиатан ўта назокатли, олийҳиммат бўлган Иброҳим ака узоқ вақтгача Эркин аканинг кўзига кўринолмай юради. Ахийри бир куни телефонда гаплашиб қолишади.

– Иброҳимжон, нега кўринмайсиз? – деб сўрайди шоир.

– Ҳа энди, ўша оламшумул воқеадан кейин... хижолатдаман-да, – дейди Иброҳим ака тагдор қилиб.

– Ўтмас пичоқ қўл кесар деб шуни айтадилар-да! – дейди аламзада шоир. Икковлон самимий кулишади.

ЎЙИН ДАРАЖАЛАРИ ҲАР ХИЛ

ЎЗБЕКЛАРДАН етишиб чиққан биринчи шахмат устаси, заҳматкаш инсон Мамажон Муҳитдинов жўрабошилигида республикамизнинг шахматга ишқибоз бир гуруҳ таниқли адиблари, санъаткор ва олимлари «шахмат гапи»га тўпланиб туришарди. Уларнинг ўйин натижалари махсус жадвалга қайд қилиб бориларди.

Шахмат федерацияси эса ана шу натижаларга қараб, ўйинчиларга турли даража, унвонлар ҳам бериб турарди.

Кунлардан бир куни меҳмондорчиликда Эркин Воҳидов шахматдаги азалий рақиби ва яқин дўсти Раҳматилла Иноғомов билан қизғин дона суришаётган эди. Шу маҳал ўйинни томоша қилиб турган хонадон соҳиби Иброҳим Мусаев сўраб қолади:

– Эркин ака, яқинда бир газетада сизларнинг «шахмат гапи»нгиз ҳақида ёзишган экан, негадир Раҳматилла ака икковингизни тилга олишмапти. Нима, сизлар у ерда ўйнамай қўйдингларми?

Шунда Эркин ака жамики шахматчиларга хос «камтарлик» билан жавоб қилади:

– Ҳа, биз ҳозирча ўйнамаяпмиз. Сабаби менинг ўйин даражам уларникидан юқори. Раҳматилланинг қатнашмаслигига сабаб ўйин даражаси уларникидан паст.

Беозор ҳазилдан ҳамма завқланиб кулади.

Шодмон ОТАБЕК.

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" миллий авиакомпанияси билан Франциянинг "Air France" авиакомпанияси ўртасида тузилган шартномага асосан жорий йилнинг 1 сентябридан ҳафтада бир марта "Париж-Урганч-Париж" йўналиши бўйича авиарейс йўлга қўйилади.

ПАРИЖГА ЯНА БИР ЙЎЛ

Синов тариқасида мазкур йўналишда дастлабки рейс ташкил этилди. Париждан учган "Боинг-757" русумли ҳаво лайнери Урганч халқаро аэропортига келиб қўнди.

– Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива каби қадимий шаҳарлари жаҳон аҳлини, сайёҳларни ўзига мафтун этиб келади, – дейди "Air France" авиакомпаниясининг халқаро алоқалар департаменти директори Филипп Алиат. – Жумладан, французлар ҳам юртингизнинг кўҳна тарихига, осори-атиқаларига жуда қизиқади. Урганч халқаро аэропортида яратилган қулай шарт-шароит, кўрсатилаётган сервис хизмати бизга манзур бўлди. Ушбу рейс келгусида сайёҳликни ривожлантиришга, дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎзА.

Бир болага етти қўшни ота-она

ОТГАН ТОШИ ЎЗИГА ҚАЙТДИ

...Қирда мол боқиб юрган болаларнинг қийқириқлари узоқдан елиб келаётган поезд шовқини билан қоришиб кетди.

– Қўйнингга тош тўлдир, Шерзод! – олдинда чопиб кетаётган ўртоғига бақирди Карим.

– Уч-тўрттаси етади, яхшиси югур, поезд ўтиб кетмасидан...

«Қуролланган» болалар поезд вагонлари ойналарига тош ота бошлашди. Вагонга урилган тошларнинг бири яшин тезлигида орқага қайтиб кимгадир тегди.

– Вой, кўзи-и-мм-м!

Бу Шерзоднинг овози эди. Карим етиб келганида, ўртоғи ерда қўлларини юзига босганича, уввос тортиб йиғлар, ёнидаги болалар эса, аллақачон қочишга улгуришганди.

Кўриниб турибдики, вояга етмаган болалар ва ўсмирлар ўртасида бундай нохуш ҳолатларнинг содир бўлиши, аввало, ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан эътиборсизлигидан бошқа нарса эмас. Баъзи болаларнинг юриб кетаётган поездга осилиб чиқишга, ҳатто, вагон устидан пастга сакрашга уриниш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай воқеалар оқибатида ҳаётдан кўз юмган ёки бир умр ногирон бўлиб қолган болалар ҳам бор.

Эътироф этмоқ жоизки, сўнгги вақтларда темирйўл-алоқа воситаларига шикаст етказиш, жумладан, светофор линзаларини синдириш каби тартибсизликлар ҳам учраяпти. Табиийки, бу аввало соҳа иқтисодиётига зарар келтиради. Масалан, светофорнинг битта линзасини таъмирлашга 70-80 минг сўм сарф бўлишини юқоридаги воқеаларни содир этган болалар ва уларнинг ота-оналари хаёлларига ҳам келтирмасалар керак.

Маълумки, мамлакатимизда «Оила, мактаб, маҳалла» тамойили асосида хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Болалар боғчасидан тортиб ўқув юртларигача спорт майдонлари мавжуд ва улар зарур анжомлар билан жиҳозланган. Ҳар йили кўплаб мактаблар, коллежлар бунёд бўлмоқда. Эҳ-ҳе, улардаги замонавий компьютер хоналарини, кутубхоналарни айтмайсизми. Кундалик ҳаётини ўқишдан ташқари фойдали машғулотлар билан ўтказган бола ҳеч қачон халқ мулкига зиён етказмайди.

Шундай экан, болаларга, уларнинг тарбиясига эътиборли бўлайлик. Айниқса, ўсмир боланинг бўш вақтини фойдали машғулотлар билан ўтказишига, келажакда жамиятда ўз ўрнини топа оладиган инсон бўлиб вояга етишига ҳар биримиз масъулият билан ёндошайлик. Зеро, тарбиянинг мукаммаллиги юрт келажагига, жамият тараққиётига пойдевордир.

Абдунаби ОТАҚУЛОВ,
Тошкент Жанубий темирйўл тармоқ ички ишлар бўлими инспектори.

ФЕСТИВАЛДА — ОПЕРА ЮЛДУЗЛАРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги Давлат академик катта театрида Италия, Россия ва Ўзбекистон опера санъати усталари иштирокида Халқаро фестиваль ўтказилди. Тадбир таниқли итальян бастакори, бетакрор ижоди ўзбек томошабинларига ҳам яхши таниш бўлган Жакомо Пуччининнинг 150 йиллигига бағишланди.

Фестиваль доирасида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри ва Ўзбекистон Давлат консерваториясида саҳна усталари иштирокида мастер-класслар ва ижодий учрашувлар бўлиб ўтди. Ушбу анжуман, том маънода, ўзбек опера санъати байрамига айланди.

ЎзА.

Рассом ҳандаси

– Устоз, чақанг, уйингизга этиб қўяман!

Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

СКАНВОРД



Тузувчи Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Саломат бўлинг

ВАҚТИДА ЭМЛАТГАН МАЪҚУЛ

Ишдан эрта қайтган Нафиса дарҳол ўғли Азимжоннинг ҳолидан хабар олиш учун хонасига кирди. Негадир у шу кунларда безовта, ҳорғин кўринганди. Кечаси билан ухламади ҳам. Кечки овқатини ҳам емабди. Шуларни ўйлаб, бироз сиқилди. Кейин болани кийинтириб, шифокор ҳузурига олиб борди.

– Ўғлингизда гепатит касаллиги белгилари пайдо бўлаяпти. Хавотир олманг, тузалиб кетади. Бунинг учун зарур муолажаларни вақтида олиши керак.

Шифокорнинг майин табассуми Нафисада ишонч уйғотди. Бироз хотиржам бўлиб, шифокор маслаҳатларига қулоқ тутди.

Вирусли гепатитлар нафақат вилоятимиз, балки республикамиз соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Вилоят бўйича вирусли гепатитлар эпидемик вазияти таҳлил қилинганида ҳар 10 йилда бу касалликнинг даврий кўтарилишини кузатиш мумкин. Унинг охирги кўтарилиш даври 1997 йилда кузатилган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, навбатдаги кўтарилиш даври 2007 йилга тўғри келди.

Касалликни 7 турдаги вируслар чақиради: A, B, C, D, E, F, G.

Вирус – касаллик қўзғатувчиси ташқи муҳитга чидамли бўлиб, паст ва юқори даражада, сувда, озиқ-овқат маҳсулотларида узоқ сақланади. Гепатит А ва Е қўзғатувчилари ташқи муҳитга сийдик орқали ажралиб, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини хом, ифлос қўллар билан истеъмол қилиш ҳамда қайнатилмаган сув ичиш орқали юқиши мумкин.

Гепатитлар орасида парентерал (B, C, D) гепатитлар ҳам кенг тарқалган. Гиёҳванд моддаларни томир орқали қабул қилиш ва фаҳш ҳам бунга сабаб бўлади. Гепатит B, C, D вируси бемор қонида бўлиб, турли хил тиббий муолажаларда (қон ва унинг ўрнини босувчи моддалар қуйиш, қон топширганда), бундан ташқари сартарошхоналарда, маникюр ва косметик салонларда анжомларни нотўғри зарарсизлантириш ҳамда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ҳам соғлом одамга юқади.

Шунингдек, гепатит B вируси жинсий йўл орқали ҳамда онадан болага юқади. Касалликнинг яширин даври 7 кундан 6 ойгача бўлиши билан характерлидир. Унинг белгилари намоён бўлмасдан олдин чарчаш, ҳолсизлик кучаяди. Айниқса, ота-оналар болаларда ҳолсизлик, чарчаш, уйқунинг бузилиши, иштаҳанинг пасайиши, кўнгил айниши, қусиш, ўнг қовурға остида оғриқ кузатилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқ.

Гепатит А ва Е енгил кечса, бу – гепатит B, C, D ҳам енгил ўтади дегани эмас. Айрим беморларда касаллик сурункали кўринишга ўтиши натижасида жигарнинг турли касалликлари (цирроз ва рак) ривожлана бошлайди. Вирусли гепатит касаллигига чалинмасликнинг энг яхши йўли – бу эмлашдир.

Ҳозирги кунда гепатит А ва В га қарши махсус вакциналар кенг қўлланилмоқда. Гепатит В га қарши эмлаш умумий эмлаш тақвимига киритилган бўлиб, чақалоқ бир кунлигида ҳамда 2 ва 6 ойлигида амалга оширилади.

Вилоятда 3-5 ёшли болаларни гепатит А га қарши эмлаш йўлга қўйилган.

А. ЖАББОРОВ,
вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази шифокор-эпидемиологи.

Шундан кейин

ТАДҚИҚОТЛАР ЭНДИ ХИТОЙДА

ХИТОЙ пойтахтида "Майкрософт" корпорациясининг энг йирик илмий-тадқиқот маркази ташкил этилади.

"Чайна дейли" газетасининг ёзишича, лойиҳани амалга ошириш учун 280 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

"Майкрософт"нинг Хитойдаги ваколатхонаси раҳбари Чжан Яциннинг сўзларига кўра, марказ 2010 йилда ишга тушади. У ерда мингга яқин янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

КРИСТИСДА ЯНА САВДО

ЛОНДОНДАГИ "Кристис" савдо уйида машҳур рассом Пабло Пикассонинг қирқта асари сотувга қўйилди.

Маълумотларга кўра, уларнинг баҳоси беш юз минг фунтдан (қарийб бир миллион АҚШ долларига тенг) ошиши кутилмоқда.

Савдо уйи директорининг ўринбосари Тереза Краснанинг сўзларига кўра, сотувга қўйилган асарларни рассом 1958 йилда испаниялик тореадор Луис Мигель Домингинга ҳадя этган экан.

ЎзА.

Оққўрғон туманидаги 9-мактаб томонидан 2003 йилда Абдурахмонов Бобур Маҳмудович номига берилган U № 0448104 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур туманидаги "AZIZ TEKS BIZNES" хусусий фирмасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 8907. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5 7 8